

220 - وَعَنْ أَبِي بَكْرَةَ ثَفَيْعِ بْنِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ الزَّمَانَ قَدِ اسْتَدَارَ كَهَيْئَتِهِ يَوْمَ خَلَقَ اللَّهُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ: السَّنَةُ اثْنَا عَشَرَ شَهْرًا، مِنْهَا أَرْبَعَةٌ حُرْمٌ: ثَلَاثٌ مُتَوَالِيَاتٌ: ذُو الْقَعْدَةِ وَذُو الْحِجَّةِ وَالْمُحَرَّمِ، وَرَجَبٌ مُضَرُّ الَّذِي بَيْنَ جُمَادَى وَشَعْبَانَ، أَيُّ شَهْرٍ هَذَا؟» قُلْنَا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، فَسَكَتَ حَتَّى ظَنَنَّا أَنَّهُ سَيُسَمِّيهِ بِغَيْرِ اسْمِهِ، قَالَ: أَلَيْسَ ذَا الْحِجَّةِ؟ قُلْنَا: بَلَى، قَالَ: «أَيُّ بَلَدٍ هَذَا؟» قُلْنَا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، فَسَكَتَ حَتَّى ظَنَنَّا أَنَّهُ سَيُسَمِّيهِ بِغَيْرِ اسْمِهِ، قَالَ: «أَلَيْسَ الْبَلَدَةُ؟!» قُلْنَا: بَلَى، قَالَ: «فَأَيُّ يَوْمٍ هَذَا؟» قُلْنَا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، فَسَكَتَ حَتَّى ظَنَنَّا أَنَّهُ سَيُسَمِّيهِ بِغَيْرِ اسْمِهِ، قَالَ: «أَلَيْسَ يَوْمَ النَّحْرِ؟!» قُلْنَا: بَلَى، قَالَ: «فَإِنَّ دِمَائِكُمْ وَأَمْوَالِكُمْ وَأَعْرَاضَكُمْ عَلَيْكُمْ حَرَامٌ، كَحُرْمَةِ يَوْمِكُمْ هَذَا فِي بَلَدِكُمْ هَذَا فِي شَهْرِكُمْ هَذَا، وَسَتَلْفُونَ رَبَّكُمْ فَيَسْأَلُكُمْ عَنْ أَعْمَالِكُمْ، أَلَا فَلَا تَرْجِعُوا بَعْدِي كُفَّارًا يَضْرِبُ بَعْضُكُمْ رِقَابَ بَعْضٍ، أَلَا لِيُبَلِّغَ الشَّاهِدُ الْغَائِبَ، فَلَعَلَّ بَعْضَ مَنْ يَبْلُغُهُ أَنْ يَكُونَ أَوْعَى لَهُ مِنْ بَعْضٍ مَنْ سَمِعَهُ»، ثُمَّ قَالَ: «أَلَا هَلْ بَلَّغْتُ، أَلَا هَلْ بَلَّغْتُ؟» قُلْنَا: نَعَمْ، قَالَ: «اللَّهُمَّ اشْهَدْ». [متفق عليه. [خ 4406، م 1679].

220. Абу Бакра Нуфайъ ибн Ҳорисдан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Замон* Аллоҳ осмонлару ерни яратган кундаги ҳолатига қайтди. Бир йил ўн икки ойдир. Шулардан тўрттаси ҳарам ойлар бўлиб, учтаси кетма-кетдир: зулқайда, зулҳижжа, муҳаррам ва жумода билан шаъбон ўртасидаги Музарнинг (ойи)* ражабдир»**, дедилар. Сўнг: **«Бу қайси ой?»** дедилар. Биз: **«Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади»**, дедик. Сукут қилдилар, ҳатто уни ўз номидан бошқа ном билан атасалар керак, деб ўйладик. **«Зулҳижжа эмасми?»** дедилар. **«Ҳа»**, дедик. **«Бу қайси юрт?»** дедилар. **«Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади»**, дедик. Сукут қилдилар, ҳатто уни ўз номидан

бошқа ном билан атасалар керак, деб ўйладик. «**Балда* эмасми?**» дедилар. «Ҳа», дедик. «**Бу қайси кун?**» дедилар. «Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади», дедик. Сукут қилдилар, ҳатто уни ўз номидан бошқа ном билан атасалар керак, деб ўйладик. «**Наҳр* куни эмасми?**» дедилар. «Ҳа», дедик. «**Қонларингиз, молларингиз, ва шаън-обрўларингиз**» сизлар учун ҳаромдир. Худди мана шу юртингиздаги, шу ойингиздаги мана шу кунингиз ҳарам бўлганидек. Тез орада Роббингизга йўлиқасиз, У Зот сизлардан амалларингиз ҳақида сўрайди. Мендан кейин ҳаргиз бир-бирининг бўйинини чопадиган кофирлар бўлиб кетманглар. Огоҳ бўлинглар, ҳозир бўлганлар ҳозир бўлмаганларга етказсин. Шояд баъзи етказилганлар уни эшитганлардан кўра англовчиноқ бўлса», дедилар. Кейин: «**Огоҳ бўлинглар, етказдимми?**» «**Огоҳ бўлинглар, етказдимми?**» дедилар». Биз: «Ҳа, етказдингиз», дедик. Шунда у зот: «Аллоҳ, Ўзинг гувоҳ бўл», деб айтдилар».

Муттафақун алайҳ.

* «Замон» сўзи араб тилида «вақт» деган маънони билдириб, ҳар қандай қисқаю узун вақт учун ишлатилаверади. Бу ерда эса замон деганда йил назарда тутилган. Уларнинг Аллоҳ осмонлару ерни яратган кундаги ҳолатига қайтиши ҳаром ойларнинг ўз жойига қайтишидир. Жоҳилиятда одамлар ҳаром ойларнинг ўрнини ўзгартириб юборишар, уруш қилгилари келса, ҳаром ойни ҳалол қилиб олишар, уруш қилгилари келмаса, ҳалол ойни ҳаром ой қилиб олишар эди.

* Жоҳилият даврида Музар қабиласи ражаб ойини бошқалардан кўра кўпроқ улуғлагани учун шундай ҳам дейилган.

* Балда – Маккаи Мукарраманинг номларидан бири.

Шарҳ: Бу ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Видолашув ҳажидида ҳайит куни қилган хутбаларидан бир парча келтирилмоқда. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу хутбалари билан қуйидаги ояти кариманинг шарҳини қилмоқдалар:

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузуринида ойларнинг сони, Аллоҳнинг ҳузуринида осмонлару ерни яратган куни ўн икки ой қилиб белгиланган. Улардан тўрттаси (уруш қилиш) ҳаром (ойлар)дир. Мана шу тўғри диндир. У(ой)ларда ўзингизга зулм қилманг».

Ушбу ояти карима ойларнинг ҳисоби табиий равишда Аллоҳ осмонлару ерни яратган пайтдаёқ, уларнинг ҳаракатига боғлиқ қилиниб, ўн иккита қилиб

белгиланганини баён қилмоқда.

Бу доимий равишда бир хил турадиган собит ҳисобдир. Унда инсоннинг ҳеч даҳли йўқ. Инсон фақат Аллоҳ яратган нарсаларга қараб, Аллоҳ берган ақл билан ойларни санайди, холос.

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида ойларнинг сони Аллоҳнинг ҳузурида осмонлару ерни яратган куни ўн икки ой қилиб белгиланган».

Ўн битта ҳам, ўн учта ҳам қилиб бўлмайди. Янги ой чиққан куни янги ой бошланади. У йигирма тўққиз ёки ўттиз кун бўлади. Кейин яна янгиси чиқади. Олдиндан белгилаб қўйилган ҳисоб билан, ой тўлин бўлганда ҳам, янги ой бошланди, дейилмайди. Бундай дейиш хато ҳисобланади. Чунки Аллоҳ таолонинг ишига бандаси аралаша билмайди.

«Улардан тўрттаси (уруш қилиш) ҳаром (ойлар)дир».

Яъни, ўн икки ойдан тўрттасида уруш қилиш Аллоҳ томонидан ҳаром қилингандир. Бу ойлар зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам ва ражаб ойлари бўлиб, мазкур ойларда уруш қилиш ҳаром.

«Мана шу тўғри диндир. У(ой)ларда ўзингизга зулм қилманг».

Юқорида зикр қилинган ҳукм тўғри дин – Ислом ҳукми. Бу ҳукмга хилоф равишда ҳаром ойларда уруш қилиб, ўзингизга зулм қилманг.

Бу ҳолатни зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам ва ражаб ойлари яхшилик асоси қилиб қўйилиши деб тушуниш керак. Бу ойларда жоҳилият вақтида ҳам урушлар тўхтаган. Ҳатто арзимаган нарса учун йиллаб уруш қиладиган араб қабилалари ҳам уруш қилишдан тийилганлар. Ўғил отасининг қотилини кўриб қолса ҳам унга бу ойларда ёмон сўз айтмаган.

Бир йилда тўрт ойни урушсиз ой деб эълон қилиш бутун дунё тинчлигини кўзлаб қўйилган ажойиб асос эди. Ҳарами шариф макон жиҳатидан тинчлик-омонлик минтақаси бўлса, уруш ҳаром қилинган тўрт ой замон жиҳатидан тинчлик-омонлик минтақаси эди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу хутбалари энг машҳури бўлиб, бу хутбада у зот мусулмонларнинг қонлари, моллари ва обрўлари ҳарами шарифдек, ҳайит кунидек ва ҳаж ойидек ҳурматли эканини ва уларнинг ҳурматини кетказиб, мусулмонлар бир-бирлари билан уришишлари мумкин эмаслигини баён қилиб берганлар. Албатта, бу хутбада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари билан видолашишлари ҳам бор эди.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI